*Муносабат*

# МУБОРАК ТЎЙЛАР ШУКУҲИ

Қадим Шарқ файласуфларининг фикрича ҳар кимсанинг пешонасида унинг тақдири битилармиш. Ҳар гал шу фикр хаёлимга келганида тақдиримга шукрона айтаман. Боболарим орзу қилиб етолмаган, отам юрагида армон бўлган, момоларим қўшиғида оташ солган, онам алласида юрагимга сингган дориламон кунларни кўриш, унинг нурли жамолига тўйиш, роҳатбахш насимларидан баҳраманд бўлиш бизга насиб этди.

Не бахтки, кўз ўнгимизда Ватанимиз Ўзбекистон қад ростламоқда, дунёга юз очмоқда. Уни кўплашиб, кўмаклашиб, биргалашиб, ягона тилакка эшлашиб, ўзимиз қурмоқдамиз. Ҳа, бу Ватан бугун ўзимизники. Ютуқларимиз, ғururимиз, шон-шавкатимиз, нурли келажагимиз ўзимизники. Сарбонимиз ҳам, олтин ортган карвонимизҳам ўзимизники. Ўзлигимиз, ўз БЕКлигимиз шафоатидан шаҳру қишлоқларимиз гўзаллашмоқда, донишманд боболаримиз қолдирган бой мерос халқ мулкига айлантирилмоқда. Эзгу ишларимиздан юртимизда қут-барака ёғилмоқда. Оллоҳдан бизга марҳаматлар инъом этилиб, боғларимиз болга, хирмонларимиз баракага, дастурхонимиз ризқ-рўзга тўлиб бормоқда. Жаҳондаги етук корхоналар билан тенглашадиган иншоату корхоналар барпо этилди, муҳташам бинолар, кўркам боғ-роғлар, равон йўллар қуриляпти. Ўзимизда ишлаб чиқарилган машиналар, жиҳозу ускуналар кўзни яшнатади.

Ҳофизларимиз дунё саҳнасида хониш этсалар, деҳқонларимиз дунёга пахта илмидан сабоқ бермоқдалар.

Ҳа, биз буюк мерос ворисларимиз. Бугунги рафторимиз, ғайрату шижоатимиз, юртга садоқатимиз, фахру ғururимиз, қилаётган ишларимиз ҳам шунга монанд улуғвор.

Жаҳон миқёсида кенг нишонланган Бухоро ва Хива шаҳарларининг XXV асрлик юбилей тантаналари ҳам юртимиз тафаккури ва маънавиятининг ўзига хос тантанаси бўлди. Ушбу анжуманлар боис яна бир карра дунё халқлари эътиборини мамлакатимизга қаратди. Нуфузли халқаро ташкилотлар ва ривожланган мамлакатлардан ташриф буюрган меҳмонлар ва журналистлар юртимиздаги тинчлик-осойишталикни, баркамол инсон камоли йўлидаги ислоҳотлар, маданий-маърифий тадбирларни ўз кўзлари билан кўрдилар.

Бухоро ва Хива шаҳарлари тимсолида ўзбек давлатчилигининг буюк ўтмишдошидан воқиф бўлдилар. Бобокалонимиз ақл-заковатининг боқий ҳайкаллари ҳисобланмиш обидаларга боқиб халқимиз насл-насаби қадимий ва улуғ эканлигига иймон келтирдилар. Бухородаги Минораи Калон, Масжиди Калон, Исмоил Сомоний мақбараси,Ситораи Моҳи Хосса, Лаби ҳовуз, муҳташам Арк, Хивадаги Кўҳна Арк, Хўжа минор, Ярим Минор, Нурилловой қасрлари меҳмонларга мозийдан гувоҳлик берди, афсона эмас, юртимиз тарихидан ҳақиқатни сўзлади. Саодатли ва шафоатли бу оқсоч шаҳарлар нафақат кўҳна Турон, балки инсониятнинг беназир тафаккури мевалари эканлигини тан олдилар.

Пойи Калон, Арк майдонида ўтган байрам тантаналари дунё халқлари олдида ким эканлигимизни, кимларнинг авлодию қай маданият ворислари эканлигимизни кўрсатиб, нақадар маърифатли, илм-фани ривожланган халқ эканлигимизга гувоҳлик берди. Бу хорижлик биродарларимиз иқрори сифатида дилдан-тилга кўчди. ЮНЕСКОнинг расмий вакили Барри Лайн ўқиб эшиттирган ЮНЕСКО Бош директори Федерико Майорнинг табригида Бухоро заминидаги ҳар бир тош ўтмишдан сўзловчи дурдона эканлиги, бу ердан таралувчи илм маърифат осмонини ёритиши, алоҳида таъкидланган.

Юбилей тантаналари шарофатидан дунё Ўзбекистонни қайта таниди, унинг обрў-эътиборини янада оширди. Ўзбекистоннинг маданий мавқеини, мустақиллик нуфузини жаҳон миқёсида мустаҳкамлади.

Бу хорижлик азиз меҳмонларнинг сўзларида ўз аксини топди.

**Эсонбека ТЎҒОН, туркиялик олим:**

— Байрамнинг театрлаштирилган томошалари мени катта ҳаяжонга солди. Уларда буюк тарих, бугунги фаровонлик, халқингизнинг келажакка ишончи мусиқа ва рақслар ёрдамида ифода этилди. Тантаналарда Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг қатнашгани ва нутқ сўзлагани мамлакатингизда тарих юксак қадрланаётганининг намунаси бўлди.

Кўркам «Бухоро» меҳмонхонаси ва Жума масжидида ўтказилган илмий анжуманларнинг аҳамияти каттадир. Чунки шундай тарихий маконда тарих хусусида мулоҳаза юритишнинг ўзи юксак мақомдир.

**Сиддиқ БАБА, Малайзия:**

— Мен шуни алоҳида таъкидлашни истардимки, Ўзбекистон ҳозирнинг ўзидаёқ буюк мамлакатга айланмоқда. Бундай дейишимга асос бор. Зеро, юртингиз бугун юқори маънавий ва иқтисодий тараққиётга эришмоқда. Иккинчидан, Ўзбекистонда дунёвий даражадаги олимлар бор. Улар буюк боболари Ал Хоразмий, Ал Беруний ворисларидир. Энг асосийси Ўзбекистон ўз тараққиёт моделига эга... Мен Ўзбекистонда мустақиллик йилларида қўлга киритилаётган ютуқлар ҳақида кўп эшитгандим. Уларни ўз кўзим билан кўриб, ҳайрат ва ҳаяжоним яна ортди.

**Туроp КОЙЧУЕВ, Қирғизистон Фанлар академиясининг президенти:**

— Ўзбекистоннинг ушбу шаҳарларини «марварид дарвозалар» деб аташ мумкин. Шундай экан, улар бугунги кунда нафақат сайёҳлик маркази, балки ўзбек халқининг ўтмишидан фахр-ифтихор туйишга, айниқса, ёшларни миллий анъаналар руҳида тарбиялашга хизмат қилади. Қўшни Ўзбекистон халқи ўзининг ана шундай қадимий ва навқирон шаҳарлари борлиги билан ҳар қанча фахрланса арзийди. Чунки уни дунё қадимий шаҳарлари орқали ҳам танимоқда.

**Пётр ТОЛАЧКО, Украина Фанлар академиясининг вице-президенти:**

— Кўп давлатлар ўзларининг қадимий шаҳарлари юбилейларини ўтказаяпти. Аммо Ўзбекистондаги юбилей тантаналарида намойиш этилган санъат, ўзига хос миллий урф-одатлар ҳар бир тантана иштирокчисида унутилмас таассурот қолдиради. Ўтмишини, миллий қадриятларини эъзозлаган халқнинг келажаги порлоқ бўлади. Байрамда намойиш этилган театрлаштирилган томошаларда ана шу руҳ ҳукмрон бўлди.

Дарҳақиқат, бугун биз ҳар бир интилиш ва ташаббусимизда, олдинга қўйилган ҳар бир қадамимизда аждодларимизнинг уйғоқ руҳини сезиб турибмиз. Зеро, юртни юрт, миллатни миллат сифатида дунёга танитадиган унинг содиқ фарзандларидир. Биз ҳам шу юрт фарзандларимиз. Унинг ўтмишидан ғурурланиш билан бирга бугун унга муносиб фуқаро бўлишимиз, зиммасидаги маънавий масъулиятни тўла ҳис қилишимиз зарур. Бу масъулият эса ота-мерос юртни жондан севмоқ, асраб-авайламоқ, келажак авлодларга янада гўзал ва обод қиёфада етказишдир.

Икки муаззам шаҳар тўйи ёшларимиз қалбида «дунёда биз ҳеч кимдан кам эмасмиз» деган фахр-ифтихорни шакллантирди. Улар мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси қалбида Ватанга муҳаббат туйғуларини оширди, авлодлардан мерос маданий ёдгорликларни қадрлашга, уларни кўз қорачиғидек асрашга чорлади.

Ҳа, дилларга фахр-ифтихор, ғурур солган, Бухорою Хива осмонини нурафшон этган, кўнгилларни ёритган, маънавий ислоҳотимиз тантанаси — муборак тўйлар шукуҳи бизни буюк келажак сари бошлагай. Илло, бу йўлда бизга аждодларимиз руҳи ёр, пирлар мададкор бўлгай.

**А. ҚОДИРОВА.**



**Бу аёлнинг нияти ёруғ,**
**Қуёш кулиб келар қошига.**
**Қалби меҳр нурига тўлиғ,**
**Ой кўтариб юрар бошига.**
**Фарзандларин иқболин**
**тилаб**
**Тандир-тандир нонлар ёпади.**
**Юртнинг бахти камолин**
**тилаб**
**Эзгуликдан бахтин топади.**

**Турғунбек МАҲКАМ олган сурат-лавҳа.**

## БОЛАЛАР СОҒЛОМ БЎЛСИН

Тошкент «Она ва бола» шаҳар марказига янги ташҳис жиҳози келтирилди. «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси ушбу муассасага компьютер билан бутланган қимматбаҳо ултратовушли сканерни тақдим этди. Аппаратура жамғарма таъсисчиларидан бири — Германиянинг машҳур «Интермед» фирмасида ишлаб чиқарилган.

«Она ва бола» маркази шу йил бошида ташкил этилган бўлиб, «Соғлом авлод учун» жамғармасининг доимий шафелигида фаолият кўрсатади.

## ЧИМЁНДА ЯНГИ СИҲАТГОҲ

Чимён қишлоғининг сўлим ва баҳаво жойида янгидан қад ростлаган «Нурафшон» шифо маскани дам олувчилар билан гавжумлашиб бормоқда. Ўзбекистон Республикаси Энергетика ва электрлаштириш вазирлигига қарашли бу масканда бир йўла 120 киши даволанади. Беморлар учун барча қулайликлар муҳайё. Хоналар юмшоқ мебеллар, стуллар-столлар билан безатилган. Ҳаммадан ҳам Чимённинг танга даво тоза ҳавоси, шифобахш сувлари беморлар дардига шифо бахш этмоқда.

— Янги санаторийимизда, — дейди бош ҳаким Ҳалимжон Ҳасанов, — умуртқа, бўғин, асаб, тери, гинекологик касалликларга чалинган беморлар даволанадилар. Уларга 83 нафар малакали врачлар ва тиббиёт ходимлари хизмат кўрсатадилар. Сиҳатгоҳ замонавий чет эл асбоб-ускуналари, лазер, физиотерапия аппаратлари билан таъминланган. Шифобахш сув беморлар танига ҳузур бахш этмоқда.

**Раҳимжон МЕЛИБОЕВ, «Қишлоқ ҳаёти» мухбири.**

## САВОБ ТАГИДА ҚОЛГАН ОДАМ

**Туркиялик Камол Ўзқон энг машҳур киши сифатида таниладиган бўлди. Шу кунгача бир неча ўн минглаб кишилар хизматини адо этиб, савоб орттириб юрган Камолбе яқинда юз мингинчи болани суннат қилади. Ушбу маросим Туркияда шу қадар катта қизиқиш уйғотдики, мамлакат Президенти Сулаймон Демирэл ҳам унда иштирок этишга розилик берди.**

*Қадрият*

# АСРА МЕНИ, ТУМОРИМ!

Элимиз орасида машҳур бўлиб кетган қўшиқнинг бу сатрини тингларкансиз, беихтиёр нафис ипдан боғлов қилиниб, турли матолардан тикилган жажжи туморчалар кўз ўнгингизга келади. Шунингдек, духоба ёки зардан тикилиб, кўзмунчоқлар қадалиб, машина ёки уйларга осиб қўйилган туморларни эслайсиз. Хўш, номи қўшиқларда куйланувчи тумор нима ўзи! У қайси замонларда пайдо бўлиб, урфга кирган?

Мозийшунос олимларнинг тадқиқотларига кўра, одамлар фақат овчилик ҳамда энг содда деҳқончилик билан тирикчилик қиладиган ибтидоий жамоа тузуми даврида яшаш учун курашиб, турли йиртқич жониворларга нисбатан ҳаёт-мамот жангини олиб борган. Қадим аждодларимиз шернинг савлатию, айиқнинг кучи, бўрининг довюраклигию қоплоннинг чаққонлигидан ҳайратга тушишган. Уларда ғайри-табиий хислат бор деб ўйлашган. Шундай ижобий хислатларни ўзларида мужассамлаштириш учун ўлдирилган йиртқичларнинг тиш-тирноғи, жунидан ёнларида олиб юришган. Тарихий манбаларнинг шоҳидлик беришича, эрамиздан аввал йиртқич тиш тирноғи солинган битта туморга бир уюр қўйни алмаштириш мумкин бўлган.

Дунёда қирғин-барот урушлар, талотўплар кечди. Фалак чархи айланаверди, инсонларнинг сийратига монанд динлар, ақидалар ўзгараверди. Олис аждодларимиз-зардуштийлар интиҳога юз тутиб ислом дини туркийзамин ҳудудларда қарор топган қуёш, олов сурати солинган туморчалар ҳам ўз соҳибларининг ортидан тарихга кириб кетди. Замона зайлига қараб, муқаддас китоблардан битиклар, Қуръони каримдан оятлар кўчириб ёзилган туморлар пайдо бўла бошлади. Шунингдек, туморларнинг шакл-шамойили, миқдори ҳақида ҳам ўзгаришлар юзага келди. Жумладан, аҳвол шу даражага бориб етганки, XVIII—XIX асрларда Самарқанд, Бухоро каби дин марказларининг кўчаларида бўйнига тадрик поғонаси шаклида 3—6 ёки ўнталаб туморни тақиб юрган мутаассиб киборларни тез-тез учратиш мумкин бўлган. Олатасир урушларда, жиҳодлар маҳалида навкарлар бўйниларига осилган туморларига сиғинишган, уни йўқотиб қўйишдан қўрқишган. Мародёрлар (уруш маҳалида қурбон бўлганларни таловчилар) биринчи навбатда майитлар бўйнидан туморларини ечиб олишга ҳаракат қилишган.

Тарихий манбаларнинг гувоҳлик беришича, инқилобдан кейинги даврда фақат Русиянинг ўзида ярим миллионга яқин руҳоний қатл этилган. Шу талотўплар маҳалида ислом динига заррача бўлса ҳам тааллуқли бўлган шахслар қатағонга олиниб, ёппасига қатл ёки бадарғага буюрилган. Диний китоблар, ноёб битиклар инсонга хос бўлмаган ваҳшийлик билан куйдирилган. Жумладан, ургутлик кароматгўй Ҳожиакбар мулла Юсуф ҳожини 1928 йилда отишганларидан сўнг уйида сақланаётган минглаб диний китобларни, нодир қўлёзмаларни қўрғон ўртасига уйиб, қулини кўкка совуришган. Ҳамқишлоқларнинг шоҳидлик беришича, шу жойда каттакон култепа ҳосил бўлган. Ҳозир бу масканда раҳматлик ҳожи ўз қўллари билан эккан кекса ўриклар машъум тарихнинг ёлғиз гувоҳлари сифатида маъюс туришибди. Шу тариқа туморларга ҳам барҳам берилган. Буни қарангки, одамлар мени асрасин деб тумор тақишган, аммо большевиклар кимнинг уйидан ёки, чўнтагидан тумор топишса, ўшани қатағон қилишаверган. Қишлоқ кексаларининг эслашларича, большевиклар ҳатто одамларни ечинтириб кўришдек шармандаликка бориб етишган. Кейинчалик қатағон оловлари сусайиб, ҳаёт меъёрий ўзанга тушавергани сари одамлар яна қўрқа-писа тумор тақа бошлашган. Урушга кетган мусулмон ўғлонлари уйларида бир чети тишланган нонни қолдириб, бўйниларига тумор тақиб жангу-жадалга равона бўлишган, улар ҳар қандай оғир ҳолларда ҳам тумор мени асрайди деб ишонишган. Шу ишонч, шу милтиллаб турган маёқ юлдузгина кўпчиликни уруш уқубатларини, тақибларини енгиб она диёрга қайтишига кафолат бўлган. Жумладан, 73 ёшида вафот этган Абдураҳмон бобо шундай деган эди: «Польша ўрмонларида туморимни йўқотиб, тимирксиланиб излаганим учун командирдан сўкиш эшитганман. 1944 йили мен билан бутун иссиқ-совуқ, таъқиқ ва тазйиқларни бошидан кечирган бечора туморимнинг чит ғилофи йиртилиб қолди, шартта гимнастёркамнинг чунтагини қирқиб, ғилоф тикиб олдим, камаримдан қирқиб бўйинбоғ қилдимда уруш сўнгигача бўйнимдан ечмадим».

Урушдан кейин туморга бўлган қизиқиш бир қадар сусайгандай эди. Ҳурлик эпкинлари эсиб қолган қутлуғ кунлардан бошлаб, миллий қадрият ва маънавиятларимиз қатори тумор яна қайтадан туғилди. Ҳозир бозорларда, авлиё-анбиёларнинг қадамжоларида, қабрлардаги зиёратгоҳларда серҳашам ва бежирим туморлар сотилаётганлигига кўзингиз тушади, сарвқомат қизларнинг мармар бўйинларида, азамат йигитларнинг тоғдек кифтларида ҳам уларнинг жойи бор. Тумор сотувчилардан «Ичида нима бор?» деб қизиқсангиз, аксарияти яширишади. Баъзи бир мулоқотга чечанроғи «Седана уруғи, Қуръон ояти» «Канзул-Ҳусайн китобидан кўчирма, ёки бўри тиши, тирноғи бор» деб жавоб қайтаришади. Демак, кўриниб турибдики, туморлар хилма-хил, шундай бўлса-да уни тақиб юришдан мақсад битта: у суқ кўзлардан, бало-қазодан асраши керак.

Аммо таассуфлар бўлсинки, аксарият тумор тақиб юрувчилар унинг қонун-қоидаларига етарлича эътибор беришмайди. Жумладан, муқаддас оят ва калималар битилган тумор билан ювиниш жойларига, маст-аластларнинг даврасига кириб бўлмайди. Шунингдек, бундай тумор соҳиблари ёмон сўз айтишдан, нажоиз нарсаларга қарашдан, хосиятсиз каломларни эшитишдан парҳез қилувчи пок ниятли кишилар бўлиши керак.

Мушоҳадамиз интиҳосида тумор чиндан ҳам балогардонми, деган савол туғилиши табиий. Пайғамбаримиз Муҳаммад саллиаллоҳу алайҳи васаллам вафот қилишларидан аввал «қабрим устига сағана қурманглар, токи одамлар фақат менинг зиёратим билангина бўлиб. Аллоҳни ёдларидан чиқаришмасин», деб васият қилган эканлар. Қиссадан ҳисса шуки, тумор тақиш, тақмаслик ўзингизга ҳавола, фақат Аллоҳни ёддан чиқармасдан, ёлғиз унгагина эътиқод қилиб, унгагина сиғинган зотларгина тумордан наф олиши мумкин. Яна ҳам парваридигор билгувчироқдир.

**Одилбек ШОДМОН ўғли.**

# АҚРАБ

Деҳқон тақвимига кўра куз фаслининг биринчи ойи бўлмиш мизон энди ўтмишга айланиб, 21 октябрдан Ақраб ташриф буюрди. Бу ой куз фаслининг қоқ ўртаси, демак, гултожидир. Унда барча юмушлар яна ҳам авжланиб, ҳосиллар ҳам мавжланиб боради.

Бир томондан, бунда деҳқончилигу боғдорчилик, чорвачилик тармоқларидаги бори ишлар хотимасини, сарҳисобини топади. Иккинчидан, кузги шудгорлаш, шунингдек, дон-дун экинлари экишни хотималаш, майсалаганларини эса парваришлаш каби юмушлар расамадли амалга оширилади ҳам.

**Ҳа;**
**Ақраб келар айқириб,**
**Орқа-олдин чақириб.**

Ҳосилларнинг ҳозирчаға салмоғи ҳам, сифати ҳам асос-эътибори билан эмин-эркинлигимизнинг тарихий олти йиллигига муносиблиги ҳозирданоқ кўзга ташланиб қолганлиги билан қувончлидир.

Деҳқонга ҳаммадан ҳам кузини берсин, деган азалий орзуга бу йил она табиат ҳам қарашаётир, чоғи.

Ҳа, умуман қишлоқ жонбозларининг эндиги якунловчи қистови ўзи билан энди.

**Чорвадорлар ҳам энди ўзининг:**
**Боқувига қараб мол ўсар,**
**Қарағайига қараб тол.**

Ҳа, таомилига амал қилиб қишлик емхашакни имкони борича тугал бўлишини кўзлаб иш тутаётганларга ишонгинг келади.

**Ерни суйган асл деҳқон**
**Ер меҳрига тўймайди;**
**Боғини суйган асл боғбон,**
**Боғ сеҳрига тўймайди;**
**Яйловин суйган жўмард чўпон,**
**Суруви кўркига тўймайди!**
**Ерни эккан билар,**
**Молни — боққан.**

**Р. ЖУМАНИЁЗОВ.**




Пайн ва Пайн-Минтол —Жанубий Корея сигареталари

*Бу турфа олам*



### НОГИРОН-АЛПИНИСТ

**Ҳимолай тоғининг энг баланд чўққиларидан бирини забт этган 52 ёшли ҳиндистонлик Маниндира Пал «биринчи бўлиб Ҳимолайни забт этган ногирон-алпинист», деган номга сазовор бўлди.**

**Айтиш керакки, «Ҳимолайнинг забт этилиши» Маниндиранинг биринчи муваффақияти эмас. 19 ёшида темир йўл ҳалокатига учраб, ўнг оёғидан ажралган Маниндира 1982 йилда ногирон шериги билан биргаликда Ҳиндистонни пиёда айланиб чиқишга ҳам муваффақ бўлган эди.**

### ГАЛАКТИКАГА САЁҲАТ

**АҚШ фалакиётчилари яқинда дунёнинг турли мамлакатларида яшовчи инсонлар Америкага келмай туриб ҳам, Оҳайо штати университетида жойлашган телескоп ёрдамида Галактикани кузатиш имконига эга бўлажагини маълум қилди.**

**Фалакиётчилар раҳбари Эрл Лакнинг таъкидлашича, телескоп компьютерлаштирилиб, унга махсус дастурлар киритилади ва бу компьютер интернетта уланади. Шундай қилиб, интернетта боғланган ҳар қандай одам маълум вақт давомида телескоп билан ҳам боғлана олади ва уни бошқариб, Галактика сирлари билан танишиш бахтига муяссар бўлади.**



«Қишлоқ ҳаёти» газетаси ижодий жамоаси газетанинг собиқ ходими, кекса журналист Меҳри Мусаевага турмуш ўртоғи **Ҳайитбой БОЛТАБОЕВнинг** вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.



## КЎЧМАС МУЛК — ЎЛМАС САРМОЯ

### АЗИЗ ЮРТДОШЛАР! ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР!

Агар Сиз мулкдор бўлишни, бойлигингизга бойлик қўшилишини хоҳласангиз ва фарзандларингизнинг нурли келажагини таъминлашни истасангиз республика Кўчмас мулк биржаси билан ҳамкорлик қилинг.

**КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИДА ШУ КУНЛАРДА:**

— Уй-жой қуриш учун ер майдонлари;
— автомобилларга ёнилғи қуйиш шохобчалари;
— қурилиши тугалланмаган бинолар;
— банкротга учраган турли корхоналар;
— ўрта ва кичик корхоналар;
— савдо ва маиший хизмат шохобчалари;
— «Ўзмевасабзавотузумсаноат» холдинг компанияси тасарруфидаги турли кўчмас мулклар;
—ҳар хил русумдаги, юк ва енгил автомобиллар;
— токзорлар, мевали боғлар;
— фойдаланилмаётган ва ўрнатилмаган асбоб-ускуналар;
— уй-жойлар.

**САВДОГА ҚЎЙИЛМОҚДА**

Сиз Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги кўчмас мулкларни, қишлоқ хўжалиги учун зарур бўлган турли русумдаги техникалар, асбоб-ускуналар ва жиҳозларни

**ХАРИД ҚИЛИШИНГИЗ МУМКИН.**

Шунингдек, Кўчмас мулк биржасида «Ўзгўштсутсаноати» тасарруфидаги мамлакатимизнинг барча вилоятларида жойлашган чорвачилик мажмуалари, бўрдоқичилик ва гўшт етиштириш хўжаликлари, чўчқачилик фермаларини сотиш йўлга қўйилган.

Кўчмас мулк биржаси 1997 йилдан мамлакатимиздаги кўчмас мулкларнинг иккиламчи бозорига киришган. Агар Сиз, бирор мулкингизни сотмоқчи ёки харид қилмоқчи бўлсангиз Кўчмас мулк биржаси ишончли ҳамкорингиздир.

***Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Правда Востока кўчаси, 8-уй.***
***Ўзбекистон Биржалар маркази биноси.***
***Телефонлар: 136-15-28, 136-15-29, 136-79-62.***
***Факс: 136-15-32, 136-26-26.***
***Вилоятлардаги юртдошларимиз ҳар бир вилоят марказидаги Кўчмас мулк биржаси филиалларига мурожаат қилишлари мумкин.***

Бош муҳаррир Неъмат ЁҚУБОВ

Таҳрир ҳайъати: Маркс ЖУМАНИЁЗОВ, Расулмат ҲУСАНОВ, Маҳмуд МИРЗАЕВ, Эркул ЗИКРИЁЕВ, Сиддиқжон МУҲАМЕДЖОНОВ, Мирғиёс ҚАЮМОВ (бош муҳаррир ўринбосари), Суннатилла САЙДАЛИЕВ, Обиджон ҒОФУРОВ (масъул котиб), Равшан БОБОМУҲАМЕДОВ.

ҲОМИЙ:
«Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттузатиш» давлат-ширкат қўмитаси

«Қишлоқ ҳаёти» — «Қишлоқ ҳақиқати» газетасининг вориси

МАНЗИЛИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32

ТЕЛЕФОНЛАР, Муҳаррир ўринбосари —1-33-44-43, 1-33-16-27. Масъул котиб — 1-33-09-93. Деҳқончилик бўлими —1-36-54-51. Ижтимоий ҳаёт ва адолат бўлими —1- 36-56-30. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими —1-36-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 1-36-56-25. Шикоят ва хатлар бўлими — 1-36-54-52.

Рўйҳатдан ўтиш тартиб рақами 6. Буюртма Г— 0658, ҳажми 2 босма табоқ. Офсет усулида босилган, қоғоз бичими А-2. Босишга топшириш вақти 21.00. Босишга топширилди 21.10

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.